



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: postda08@umail.uz • 2015-yil 21-novabr, shanba • № 47(4148)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИННИНГ МАЖЛИСИ ТҮҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб
ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев
олиб борди.

Кенгаш Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини шу йилнинг
3 декабрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг муҳокамасига аҳоли турмуш да-
ражасининг янада оширилишини ва унинг ижтимоий ҳимоя
қилиниши кучайтирилишини, иқтисодиётнинг юқори ҳамда
барқарор суръатларини, аҳоли бандлигини таъминлашни
назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги
Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2016 йилда иш
ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш
дастури тўғрисидаги масалаларнинг киритилиши режалаш-
тирилмоқда.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий
ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини бос-
қичма-босқич ислоҳ қилишга ва эркинлаштиришга, Ўзбекистон
Республикасининг Конституциясига киритилган тузатиш-
ларни амалга оширишга каратилган Ўзбекистон Республика-
сининг қатор қонунлари киритилмоқда. «Электрон ҳукумат
тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодек-
сини тасдиқлаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси-
нинг Божхона кодекси (янги таҳрири) қабул қилиниши му-
носабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун
хўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек
айrim қонун хўжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш
тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги (янги таҳрири),
«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»-
ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикасининг айrim
қонун хўжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда демократик ислоҳотларни янада
чукурлаштиришни, давлат қурилиши асосларини мустаҳкамлашни,
инвестиция имкониятлари ва ишбилармонлик
муҳитини яхшилашни, тадбиркорликни ривожлантиришни, шу
жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини
жорий этиш орқали ривожлантиришни, аҳолининг ҳаёти
ва саломатлиги қўриқланиши таъминланишини, суд-ҳуқук
соҳаси такомиллаштирилишини назарда тутувчи қонунлар
шулар сирасидандир.

Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар
Ўзбекистон Республикаси Боз прокурорининг қонунийликни
мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини
ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш
бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботини
муҳокама киладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг ваколатига тааллукли бошқа масалалар ҳам
кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг
тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтка-
зишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томо-
нидан тегишли ишчи гурух тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.**

Репортаж

ЮРТНИНГ СОДИҚ ЎГЛОНЛАРИ қасамёд қабул қилди



Юрт тинчлиги, ҳаётимиз осудалигининг қадрига етиб,
уни кўз қорачигидай асрраб-авайлаш шу заминни ўз Ва-
тани деб билган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи-
дир. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тар-
тибини сақлаш, жиноятларнинг турли кўринишларига
қарши муросасиз курашишни ўз вазифаси деб билган,
бунинг учун ҳалқи олдида қасамёд қилганларнинг Ва-
тан олдида бурчи, масъулияти икки карра ортади.

Республика ИИВ Академия-
сининг ўқув-дала майдонида Сержантлар таркибини тайёр-
лаш бўйича олий курслари курсантларининг ички ишлар
идоралари ходими қасамёдини қабул қилиш маросими ҳам
буни яққол исботлади. Тад-

лим олиб, мутахассислик сир-
асорларини пухта ўрганиш-
лари учун барча шарт-шаро-
итлар яратилгани, кенг ва ёруғ
аудиториялар, маъруза залла-
ри, зарур техника воситалари
улар ихтиёрида эканлигини
таъкидлади.



бирга таклиф этилган меҳмон-
лар минбарга кўтарилигач, олий
курслар бошлиғи ўринбосари,
подполковник Ж. Жумабоев
курсантлар қасамёд қабул
қилишга тайёр эканлиги тўғри-
сида ахборот берди.

Тадбирни ИИВ Академияси
бошлиғи, генерал-майор Ш. Икрамов
очар экан, аввало, йигил-
ганларни шодиёна кун билан
самимий кутлади. Курсантлар
таълим муассасасида чукур би-

Шундан сўнг курсантлар она
Ватани, ҳалқи ва Президентига
садик бўлишга қасамёд қилишид. Ушбу маросим фар-

зандларини кутлаш учун кел-
ган ота-оналарнинг қалбини
янада қувончга тўлдириди. Мана
шундай мард, жасур ўғил-қиз-
ларни вояга етказгандаридан
фаҳрланиши.

Шундан сўнг ота-оналар но-
мидан сўзга чиқсан М. Мира-
зимова фарзанди қатори

қасамёд қилганларнинг барча-
сини чин дилдан муборакбод
этди. Академия профессор-
ўқитувчилари номидан Олий
курслар махсус фанлар цикли
бошлиғи, подполковник У. Ну-
руллаев, курсантлар номидан
А. Чориев сўзга чиқиб, ўзларин-
нинг самимий тилакларини
билиди.

— Бугун менинг орзуим
ушалган кун. Хизмат қасамёд-
ни қабул қилиб, ички ишлар
идоралари ходими бўлдим.
Жонажон Ватанимнинг шаъни
ва қадр-қимматини ҳимоя
қилиш ҳар бир фуқаронинг
бурчи эканлигини теран анг-
ладим. Бизнинг пухта билим
олишишимиз, осойишталии по-
бони бўлиб етишишимизга
шароит яратиб бергани учун
Президентимиз, ҳукуматимиз
ва вазирлик раҳбариятидан
миннатдорман, — дейди курсант
Ф. Халилова.

Фурсатдан фойдаланиб, 5-от-
ряд командирининг тарбиявий
ишлар бўйича ўринбосари, катта
лейтенант А. Иброҳимовдан
мазкур йигин курсантларининг
қасамёд қабул қилиш маросими
мидан олган таассуротлари
тўғрисида сўраганимизда,
жумладан, шундай деди:

— Қасамёд қабул қилган курсантларимиз юз-кўзида қатъият,
фаҳр туйгуларини кўрдим. Бу
уларнинг эл-юрт осойишталиги
йўлида ҳар қандай тўсикқа
қарши курашишга тайёрлигини
Ватан тақдири, келажаги
мана шундай мард ва шиҳоат-
ли ёшлар қўлида эканлигини
билиради.

Тадбир сўнгидаги ИИВ Мада-
ният саройи ашула ва рақс ан-
самбли хонандалари томонидан
ижро этилган дилрабо куй-
қўшиклар барчага хуш кайфият
бағишлади.

**Михли САФАРОВ,
кичик сержант.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.**



**Давлатимиз бай-
роги қабул қилин-
ганлигининг
24 йиллиги респуб-
лика ИИВ Акаде-
миясида ҳам кенг
нишонланди. Шу
муносабат билан
«Байробимиз –
фаҳримиз» мавзу-
сида давра сұхбати
ташқил этилди.**



ХАЛҚИМИЗНИНГ ШОН-ШАРАФИ, ФУРУРИ

Академия кундузги таълими курслари тингловчилари ҳамда Сержантлар таркиби тайёрлаш бўйича олий курслари курсантлари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда таълим муассасасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Давра сұхбатида сўзга чиқканлар давлат рамзлари фуқароларда ўз Ватанига эгалик хисси, ундан фаҳрланиш туйгуларини кучайтирувчи кудратли восита эканлигини, халқимизни минг йиллар давомида шаклланган маданияти ва қадриятларини асрлар авайлаган ҳолда бир мақсад ўйлида бирлаштиришини, ёш авлод қалбida она ўртга му-

ҳаббат, унинг буюк келажига ишонч ҳиссini оширишини таъкидлаб ўтишди. Бу борада Давлат байробининг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканлигини қайд этишди.

Шунингдек, давлатимиз байробида юртимизнинг бугунги табиатига мувофиқ келадиган хусусиятлар, халқимизнинг хошиш-иродаси, ақлзакоси, асрлар мобайнида топталган гурурини қайта тикилаш кайфияти акс этганилиги таъкидланди.

Ўз навбатида, тингловчи ва курсантлар маърузачиларга ўзларини кизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, бу борада фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришди. Тадбир доирасида Академия ўқув курслари ўртасида



«Байробимиз – фаҳримиз» мавзусида деворий газеталар кўрик-танлови ҳам ююри савияда ўтказилди.

Курсант ва тингловчилар томонидан тайёрланган деворий газеталарда байробимиздаги ранглар ва ҳошия чизиклари, уларнинг маъно-мазмумни акс эттирилиб, унда Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, фурури, тарихи ва интилишлари мужассам бўлди. Шунингдек, байробимиз билан фаҳрланиш туйғуси, ёшларни унга нисбатан садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг бу борада миллий фурурини юксалтириш каби эзгу формалар ҳам ўз ифодасини топганлиги қуонарлидир.


**Б. САИДОВ,
подполковник.**

Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг мустақил бошқарма, хизмат ва бўлимларида ўрнатилган

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

Ички ишлар бошқармаси	(0-367) 235-08-15
Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция	(0-367) 235-01-17
Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати	(0-367) 235-08-30
Жиноят қидирав ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси	(0-367) 235-08-19
Тергов бошқармаси	(0-367) 235-08-20
Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси	(0-367) 235-08-21
Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси	(0-367) 235-08-22
Кўриқлаш бўлими	(0-367) 235-08-23
Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси	(0-367) 226-08-58
Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими	(0-367) 227-62-32
Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси	(0-367) 225-09-77

Ушбу «Ишонч телефонлари»га ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти билан боғлиқ масалаларда мурожаат қилингиз мумкин.



Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнини босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларни кўллаб-куватлаш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловни ўзлонгани қиласди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилди.

Диққат, танлов!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга 2015 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида ўзлонганинг қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумхажон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳуҗжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган ахбороттаҳилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият кўрсатаётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, ўзлонг қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нус-

хада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муалиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида кисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова килинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар қайтарилмайди.

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Голиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва башқа кимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2015 йил 4 декабряга қадар кўидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси 30-үй, 2-кават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@mail.ru.

Ташкилий қўмита.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinnbosari – Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib v.b. – Zokir BOLTAYEV
Navbatchi – Mixli SAFAROV
Sahifalovchi – Rustam ISOQULOV
Matn ko'chiruvchi – Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:
231-47-82;
Faks: 254-18-79.
ISSN 2010-5355
9772010-535001

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001,
MFO 00420.
ATIB «Ipotekabank»
Mirobod tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlari egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №S-4452. Bosilish – ofset usulid. Hajmi – 4 bosma taboq. 69520 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqtisi – 22.00. Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxa.
MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.